TIQXMMI
Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институти

# ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ - ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ (Стратегик фикрлайдиган)"



***Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг**

**72-сессиясида сўзлаган нутқидан**

# 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси

- Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари
- Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари
- Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари
- Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари
- Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

Ҳаракатлар стратегияси
2017-2021

TIQXMMI
Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институти

# Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари



1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш.

2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш.

3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

# Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари



**1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш.**

**2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш.**

**3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш.**

**4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш.**

**5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш.**

**6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.**

TIQXMMI
Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институти

# Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари




1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:

2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:

4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш

5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:

TIQXMMI

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институти

# Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари



**1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш**

**2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш**

**3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш**

**4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:**

**5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:**



# Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар





1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар.
2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

TIQXMMI

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институти



Алоҳида таъкидлаш жоиз, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги устувор вазифалар белгиланди:

***Биринчидан***, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

TIQXMMI
Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институти






***Иккинчидан***, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

***Учинчидан***, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш.

TIQXMMI

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институти





Ўзбекистон Президенти томонидан 2018 йил 27 июнда имзоланган «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги Фармон бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. Фармон билан «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси ташкил этилди ва ушбу жамғарма ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериши белгилаб қўйилди. Ушбу ҳужжатга эътибор қаратилса, ёшлар тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини комплекс ривожлантириш вазифалари аниқ ва тизимли белгиланганини кўриш мумкин.



Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда изчил давом эттирилмоқда.

Бу борада Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди.

TIQXMMI
Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институти





**биринчи ташаббус** – ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

**Иккинчи ташаббус** – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

**Учинчи ташаббус** – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

**Тўртинчи ташаббус** – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

**Бешинчи ташаббус** – хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

**Ёшларга оид давлат сиёсати** тўғрисидаги Қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Республикамизда ёшларга оид соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар куни" сифатида нишонланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган. Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган**

## Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

1. Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

2. Ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;

3. Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;

4. Ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;

5. Ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;

6. Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

7. Ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;